

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁДГОРЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ш.А.Қиличев

Ушбу мақолада юртимиздаги ноёб осори-атиқаларни ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва сақлаш ишларининг шаклланиши. Ёдгорликларни муҳофаза қилувчи махсус давлат органилари ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Ўзбекистонда ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва сақлаш ишлари ғояси XIX аср охирларида яъни, юртимиздаги ноёб осори-атиқаларга бўлган қизиқишнинг кучайиши билан юзага келди. Хусусан, XIX аср сўнгги чорагида Афросиёб, Эски Аҳси, Косон, Бухоро ҳудудларида ҳарбийлар ва ҳаваскорлар томонидан осори-атиқаларни йиғиш ва сотиш мақсадида қазилма ишларининг олиб борилиши маданий ёдгорликларни тақдирига бефарқ бўлмаган зиёлилар томонидан ёдгорликларни сақлаш ғоясини илгари суришга олиб келди. Зеро, ушбу даврда антиквар буюмларни сотиш ва ҳазина топиш илинжида археологик ёдгорликларда қазилма ишларининг олиб борилиши 1871 йилда Туркистон маъмурияти томонидан ўзбошимчалик билан қазилма ишларини тўхтатиш тўғрисида кўрсатма чиқаришига олиб келди¹. Аммо ушбу даврда ёдгорликларни қўриқлаш бўйича бирор-бир ташкилотнинг мавжуд бўлмаслиги ушбу таъқиқнинг амалда қўлланилишига олиб келмади. Кейинчалик 1876 йилда Тошкентда ташкил этилган, 1896 йилда Самарқандда очилган музейлар² қисман бўлса-да, топилган осори-атиқаларни йиғиш имконини беради.

1918 йилда В.Л.Вяткин, М.Ф.Мауэр ва Б.Н.Кастальскийлар томонидан Улуғбек мадрасаси минорасини тиклаш борасида махсус комиссиясини ташкил этиб, минорани сақлаб қолишга муваффақ бўлишади³. 1919 йилда эса О.Татевосян томонидан ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва техник ҳолатини текшириш бўйича доимий комиссия ташкил этилади⁴.

Ёдгорликларни муҳофаза қилувчи махсус давлат органи 1920 йил 30 январда ташкил этилиб, ушбу орган вазифасини Туркистон Республикасининг Архив ишлари бўйича марказий бошқармаси қошида ташкил қилинган тарихий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилувчи махсус қўмита ва шу йили ташкил этилган Самарқанд комиссияси ўз зиммасига олади⁵. Кейинчалик Туркистон Республика раҳбариятининг 1921 йил 23 майдаги махсус Декрети асосида Қўмита ва унинг таркибига

¹ «Туркестанские ведомости», 1871, № 12.

² Шишкин В.А. К истории изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. «Афрасиаб». – Т., 1969. – С. 45.

³ Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы в Средней Азии, Известия Средазкомстариса, вып. I, Ташкент, 1926, стр. 9.; Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении. Ч. I, Труды САГУ, н. с, т. XXXI, ист. наука, кн. 12, Ташкент, 1956. стр. 14-15.

⁴ Шишкин В.А. К истории изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. «Афрасиаб». – Т., 1969. – С. 67

⁵ Декрет Совета Народных Комиссаров Туркеспублики от 23 мая 1921 г., № 127.

киритилган Самарқанд комиссияси мустақил давлат органига – Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Декрети билан музейлар ва ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Туркистон кўмитаси (Туркомстарис)га айлантирилди⁶.

Собиқ совет ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий масалада олиб борган сиёсати оқибатлари ушбу кўмитанинг ташкилий ва тузилмавий характеридаги фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Натижада ушбу ташкилот Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланишидан кейин 1925 йилдан Туркомстарис ёдгорликлар ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё кўмитаси номини олди (Средазкомстарис)⁷. 1928 йилдан эса Ўзбекистон ССР МИК ва ХКС нинг №501-сонли Қарори билан Средазкомстарис ўрнига ёдгорликларни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Кўмитаси (Узкомстарис) ташкил этилади.

Ушбу ташкилот фаолиятининг дастлабки даврда иқтисодий ва кадрлар муаммоси туфайли кенг кўламли ишларни амалга ошира олмаса-да, у томонидан ёдгорликларни муҳофаза қилиш, реставрация ва консервация билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг илмий асоси яратила бошланади.

1943 йилда Узкомстариснинг бекор қилиниши ва унинг ўрнига Меъморчилик ишлари бўйича бошқарманинг ташкил этилиши тарихий ёдгорликларнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатди. Зеро, бошқарма қошида ташкил этилган Меъморчилик ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича бўлим асосан ўз эътиборини бевосита архитектура, шаҳар қурилишига катта эътибор бериши кўплаб тарихий ёдгорликларни қаровсиз қолишига ва уларни бузилиб кетишига олиб келди. Фақатгина 1957 йил 30 августда “Моддий маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича Комитет” нинг ташкил этилиши ушбу мудҳиш ҳолатни олдини олиш имконини берди. Ушбу ташкилот 1961 йилга қадар фаолият кўрсатса-да, у томонидан маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ёдгорликларнинг сезиларли қисмини сақлаб қолиш, айримларида эса таъмирлаш ишларини ривожлантириш, уларни илмий ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

1968-йил “Маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақида” Қонуни ва Ёдгорликлар ва тасвирий санъатни муҳофаза қилиш бўйича Бош бошқарма ташкил этилади. Мазкур қонунга мувофиқ республика ҳукумати томонидан унинг қўлланишига доир йўриқнома, моддий маданият ёдгорликларни кўриқлаш ҳудудлари ва улар атрофида бинолар қурилишини тартибга солиш ҳақидаги низом, Ўзбекистон ҳудудида археологик қазилмалар ва қидирув ишларини амалга ошириш ҳуқуқи борасидаги йўриқнома тасдиқланди⁸.

1979 йил 24 февралда давлат муҳофазасига олиш, таъмирлаш ва консервациялаш ишлари ҳажмларининг ортиб бориши туфайли

⁶ Шишкин В.А. К истории изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. “Афрасиаб”. Т., 1969. –С. 68.

⁷ Янковский И.В. К вопросу о законодательном оформлении Средазкомстариса, Известия Средазкомстариса, вып. III, Ташкент, 1928, стр. 257-261.

⁸ Абринев Р.Б. Ўзбекистонда тарихий мёморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари тарихидан// Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида// 2013 йил 27-28 мартда ўтказилган ёш олимлар Республика конференцияси материаллари. Самарқанд – 2013, 190-195 бб.

Ўзбекистонда маданият ёдгорликларни муҳофаза қилувчи янги орган Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси тузилди (ГлавНПУ). Кейинчалик унинг таркибида лойиҳаш институти, илмий-реставрация ишлаб чиқариш ташкилотлари, шу жумладан, меъморий ёдгорликларни реставрация қилиш, консервациялаш, уларнинг декори бўйича ноёб ишларни бажарилишига ихтисослашган реставрация корхонаси ҳам ташкил қилинди. Бош бошқармага қўзғалмас ва қўзғаладиган маданият ёдгорликларини сақлаш ишлари, тасвирий ва монументал санъатни ривожлантириш, музей ва кўргазма ишларини ташкил қилиш юклатилди⁹.

Аммо ушбу ташкилот фаолияти собиқ партия томонидан чеклаб қўйилганлиги туфайли у етарли даражада ўз салоҳиятини намоён эта олмади. Бу, айниқса, археологик ёдгорликлар мисолида яққол намоён бўлади. Яъни пахта сиёсатининг авж олиши туфайли кўплаб ёдгорликлар тўлиқ вайрон бўлишига олиб келади. Хусусан, бу борада Президентимизнинг қўйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир: “..одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади”¹⁰.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок маданий меросимизни жумладан, археологик ёдгорликларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Жумладан, ёдгорликларни сақлаш юртимизнинг Конституциясида ҳам белгиланган бўлиб, бу борада 49 моддада қўйидагилар таъкидланган: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”¹¹.

Айни вақтда 2001 йилда “Маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”¹², 2009 йил 13 октябрда эса “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”¹³ги қонунлар қабул қилинади. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши маданий мерос объектларидан фойдаланиш, ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди. Айни вақтда маданият ёдгорликларни муҳофаза қилувчи орган фаолияти ҳам такомиллаштирилиб ҳозирги вақтда ушбу фаолият Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Маданий мерос

⁹ Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. 1990, – № 8.

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т., 2008. –Б.165.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 2008.

¹² Об охране и использовании объектов культурного наследия // Закон республики Узбекистан// г. Ташкент, 30 августа 2001 г., № 269-II.

¹³ Об охране и использовании объектов археологического наследия// Закон республики Узбекистан// г. Ташкент, 13 октября 2009 г., № ЗРУ-229.

объектларини муҳофаза қилиш ва илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси ҳамда “Олтин мерос” нодавлат ташкилотлари томонидан олиб борилмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2008.
3. Об охране и использовании объектов археологического наследия// Закон Республики Узбекистан// г. Ташкент, 13 октября 2009 г., № ЗРУ-229.
4. Об охране и использовании объектов культурного наследия// Закон Республики Узбекистан// г. Ташкент, 30 августа 2001 г., № 269-П.
5. Туркестанские ведомости. 1871, № 12.
6. Абриев Р.Б. Ўзбекистонда тарихий меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш ишлари тарихидан//Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида// 2013 йил 27-28 мартда ўтказилган ёш олимлар Республика конференцияси материаллари. Самарқанд – 2013.
7. Декрет Совета Народных Комиссаров Туркеспублики от 23 мая 1921 г.,№ 127.
8. Крюков К.С. Организационные формы охраны и реставрации памятников архитектуры Узбекистана (1920-1990 гг.) // Строительство и архитектура Узбекистана. 1990. -№ 8.
9. Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении. Ч. I, Труды САГУ, н. с, т. XXXI, ист. наука, кн. 12, Ташкент, 1956.
10. Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев и охране памятников старины, искусства и природы в Средней Азии, Известия Средазкомстариса, вып. I, Ташкент, 1926.
11. Шишкин В.А. К истории изучения Самарканда и его окрестностей. Сб. “Афрасиаб”, вып. I. -Т., 1969.
12. Янковский И.В. К вопросу о законодательном оформлении Средазкомстариса, Известия Средазкомстариса, вып. III. -Ташкент, 1928.